ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc27.06.2017.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ЗОКИРОВА НАРГИЗА БАХОДИРОВНА

ОНА ОРГАНИЗМИГА ПЕСТИЦИДЛАР СУРУНКАЛИ ТАЪСИРИ ШАРОИТИДА ТУҒИЛГАН АВЛОДДА ГИПОФИЗАР-ТИРОИД-АДРЕНАЛ ТИЗИМНИНГ ПОСТНАТАЛ ШАКЛЛАНИШИ

14.00.02 - Морфология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2017

УДК:616.314.18-002.4-036.12:618.173-616.71-007.234

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the Doctoral (DSc) abstract

Зокирова Наргиза Баходировна
Она организмига пестицидлар сурункали таъсири шароитида туғилган авлодда гипофизар-тироид-адренал тизимнинг постнатал шаклланиши..... 3

Зокирова Наргиза Баходировна
Постнатальное становление гипофизарно-тироидно-надпочечниковой системы потомства в условиях хронического воздействия пестицидов на организм матери..... 27

Zokirova Nargiza Bakhodirovna
Postnatal formation of the pituitary-thyroid-adrenal system of posterity in conditions of chronic pesticide exposure on the maternal organism…….. 53

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works 58

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc27.06.2017.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ЗОКИРОВА НАРГИЗА БАХОДИРОВНА

ОНА ОРГАНИЗМИГА ПЕСТИЦИДЛАР СУРУНКАЛИ ТАЪСИРИ ШАРОИТИДА ТУҒИЛГАН АВЛОДДА ГИПОФИЗАР-ТИРОИД-АДРЕНАЛ ТИЗИМНИНГ ПОСТНАТАЛ ШАКЛЛАНИШИ

14.00.02 - Морфология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2017

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.DSc/Tib142 рақами билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси (DSc) Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус) Илмий Кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим портали (www.zionet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	**Тўхтаев Қодир Рахимович** тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Блинова Софья Анатольевна** тиббиёт фанлари доктори, профессор
	Исроилов Ражаббой тиббиёт фанлари доктори, профессор
	Мавлян-Ходжаев Равшан Шухратович тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	**Бухоро давлат тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги 27.06.2017.Tib.30.03рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2017 йил «____» _____ соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2-уй, Тошкент тиббиёт академиясининг 1-ўқув биноси мажлислар зали. Тел./Факс: (+99871) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru.

Докторлик диссертация (DSc) билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси,2-уй, Тошкент тиббиёт академиясининг 2-ўқув биноси, «Б» қанот, 1-қават, 7-хона. Тел./Факс: (+99871) 150-78-14.

Диссертация автореферати 2017 йил «____»_____ да тарқатилди.
(2017 йил«___»_____даги_____ рақамли реестр баённомаси).

Г. И. Шайхова
Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Н.Ж.Эрматов
Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., доцент

У.М.Миршарапов
Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,т.ф.д., профессор

КИРИШ (Докторлик диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Ҳозирги кунда аҳолининг экологик саломатлигини муҳофаза қилиш жаҳон миқёсидаги долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Атроф-муҳитни заҳарловчи моддаларнинг аксарият қисмини пестицидлар ташкил этади, шу билан бирга уларсиз қишлоқ хўжалигининг истиқболли ривожланишини тасаввур қилиб бўлмайди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, дунёда йилига пестицидлардан 500 мингдан 2 миллионгача одамлар заҳарланса, уларнинг 40 минг нафаригачаси ўлим билан тугаши қайд этилган[1]. Фосфорорганик ва хлорорганик пестицидларнинг ишлатилиши таъқиқланиб ёки чекланиб, улар пиретроидлар, пиразоллар ва бошқа синфларга мансуб бўлган пестицидлар билан алмаштирилмоқда. Уларнинг афзаллиги одам ва ҳайвонлар учун нисбатан паст заҳарлилиги, ҳамда кичик дозаларда қўлланилганда ҳам зараркунандаларга қарши юқори самарадорлиги ҳисобланади. Дунё қишлоқ хўжалигида ҳосилдорликни оширишда пестицидлар ишлатилганда, улар келтириб чиқарадиган салбий асоратларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш энг асосий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда она организмига пестицидлар сурункали таъсири шароитида туғилган авлодда кузатиладиган салбий асоратларниг олдини олишни такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларнинг самарадорлигига эришиш мақсадида қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада, пестицидларнинг биологик таъсир механизми хусусиятларини асослаш; биосфера объектларида пестицидлар билан заҳарланишни эрта ташхислаш, даволаш ва патогенетик профилактикасини ишлаб чиқиш; заҳарланишларнинг адаптацион-мослашиш жараёнларини самарадорлигини баҳолаш усулларини такомиллаштириш; пестицидлар кам миқдорда қўлланилганда эндокрин-бузувчи таъсир механизмини аниқлаш; ҳомиланинг постнатал ривожланишида пестицидларнинг зарарли таъсирини олдини олиш ва уларнинг асоратларини камайтиришга қаратилган самарадор ташхислаш ва даволаш механизмини тадбиқ қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизими тубдан янгиланди, атроф-муҳитни ифлослантирувчи манбалар орқали келиб чиқадиган касалликларни эрта ташхислаш ва асоратларини камайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада кенг қамровли дастурий тадбирлар амалга оширилди. Пестицидлар таъсирида заҳарланишлар, ушбу шароитда юзага келган «ҳомиладорлик ва туғилгандан кейинги ҳавф омилларини аниқлаш, эрта ташхислаш ва даволаш натижасида охирги ўн йилликда оналар ўлимини 3,2 мартага, чақалоқлар ўлимини эса 3,1 баробар камайтиришга эришилди»[2]. Шунга қарамай, ҳозиргача замонавий пестицидларнинг она организми орқали ҳомила ва чақалоққа кўрсатадиган эндокрин-бузувчи таъсири етарлича ўрганилмаганлиги туфайли, салбий

[1] ЖССТ Европа регионида асосий саломатлик кўрсаткичлари.ЖССТ, 2014 йил.
[2] Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигининг ҳисоботлари.

таъсир оқибатида келиб чиқадиган турли касалликлар ва заҳарланишларни олдини олиш ва камайтириш борасида анчагина муаммолар мавжуд. Шу боисдан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши стратегиясига мувофиқ «аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини оширишга, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга йўналтирган ҳолда соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш»[3], пестицидларнинг она организми орқали авлод гипофизар-тироид-адренал тизимига кўрсатадиган таъсир механизмларини очиб бериш, ҳамда шу орқали салбий асоратларни олдини олиш, эрта ташхислаш ва самарали даволаш усулларини ишлаб чиқиш тиббиётнинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш», «Фуқаролар соғлиғини сақлаш», «Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги», «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да, 2014 йил 1 августдаги ПҚ–2221-сон «2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш борасидаги давлат дастури тўғрисида»ги Қарорлари, ҳамда ушбу фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи[4]. Пестицидларнинг салбий таъсирлари жуда хилма-хил бўлиб, ушбу глобал муаммони ҳал қилиш устида кўплаб илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу изланишлар дунёнинг қатор етакчи университетлари ва илмий марказларида, шу жумладан: National Institute of Environmental Health Sciences, University of Maryland, New York University, University of Illinois at Chicago, Colorado State University, University of Rochester, University of California, Harvard University, Emory University (АҚШ), University of Milan (Италия), Universitat de València (Испания), University of Turku (Финляндия), Ghent University(Бельгия), Imperial College London (Буюк Британия), University of Edinburgh (Англия), University of Pavia (Италия), University of Murcia (Испания), Pukong National University (Корея), Punjab Agricultural University (Ҳиндистон), Россия фанлари академияси, Байкал Миллий Университети (Россия Федерацияси), Санитария гигиена ва касб

[3] 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришниг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси.

[4]Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи ww.ncbi.nlm.gov/pubmed;http://www.rsl.ru; http://www.biomedcentral.com ва бошқа сайтлар асосида ишлаб чиқилган.

касалликлари илмий тадқиқот институти, Тошкент тиббиёт академиясида (Ўзбекистон) кенг қамровли илмий тадқиқот лойиҳалари доирасида олиб борилмоқда.

Пестицидларнинг таъсири оқибатида келиб чиқувчи салбий асоратларни камайтириш ва қишлоқ хўжалигида юқори ҳосилдорликни таъминлаш самарадорлигини ошириш юзасидан олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида кейинги йилларда жаҳонда қатор илмий натижалар олинган, жумладан: пестицидлар таъсирида келиб чиқувчи ўткир ва сурункали заҳарланишларни камайтиришни аниқлаш усуллари ишлаб чиқилган (University of Murcia, Испания); улардан 250 тасининг фойдаланишга хавфсизлиги исботланган (Colorado State University, University of Rochester, University of California, Harvard University, Emory University, АҚШ); экологик ифлослантирувчи моддаларнинг ирсият орқали ўтувчи ва турли касалликларга мойилликни ортишига кўмаклашувчи эпигенетик бузилишларни келтириб чиқариш хусусияти ёритиб берилган (University of Milan, Италия, Universitat de València, Испания, University of Illinois at Chicago, АҚШ, University of Turku, Финляндия, Ghent University, Бельгия); пестицидларни қатор аъзоларнинг метаболик жараёнларини ўзгартиришини аниқлашнинг замонавий усуллари ишлаб чиқилган (Байкал Миллий Университети, Россия Федерацияси); кенг қўлланиладиган ва эндокрин бузувчи таъсирга эга хлор- ва фосфорорганик пестицидлар (ДДТ, хлорпирифос ва бошқалар), пиразол, неоникотиноид, пиретроидлар ва карбаматлар синфига мансуб 100 дан ортиқ пестицидларнинг эндокрин-бузувчи таъсири аниқланган (Imperial College London, Англия, National Centre for Environmental Toxicology, Буюк Британия, Federal Environment Agency, Германия, Centre de Biophysique Moléculaire, Франция); эндокрин-бузувчи пестицидлар ва улар метаболитларининг қолдиқ дозаларини аниқлаш имконини берувчи токсикологик тестлар услублари ишлаб чиқилган (National Centre for Environmental Toxicology, Буюк Британия); сув, тупроқ ва озиқ-овқат маҳсулотларида пестицидларнинг жуда кам миқдорда сақланиши ҳам одам ва ҳайвон саломатлиги учун жиддий хавф туғдириши исботланган (Centre National de la Recherche Scientifique, Франция); иссиқ иқлим шароитида пестицидларнинг сув, тупроқ ва ҳаво муҳитида РЭМ миқдорига тузатишлар киритиш ва коэффициентлари ишлаб чиқилган (Санитария гигиена ва касб касалликлари илмий тадқиқот институти, Ўзбекистон); пестицидларнинг ҳомиладорлик ва илк постнатал даврда эндокрин-бузувчи таъсир механизмлари ўрганилган (Тошкент тиббиёт академияси, Ўзбекистон).

Бугунги кунда дунёда пестицидларни ҳомиладорлик ва илк постнатал даврда кўрсатаган таъсирини аниқлаш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан: пестицидларнинг постнатал даврида эндокрин-бузувчи таъсир механизмини олдини олиш усулларини ишлаб чиқиш; пестицидларнинг туғилган авлодда буйрак усти бези пўстлоғида ҳужайранинг пролиферативф фаоллиги ва апоптоз даражасини, гипофизнинг олдинги бўлаги ва қалқонсимон без маркер гормонлар концентрациясини, буйрак усти бези пўстлоғининг

морфологик хусусиятларини асослаш; пестицидларнинг постнатал даврдаги ривожланишига ўта кам миқдорда қўлланилишидаги таъсир механизмларни асослаш; аҳолининг турли қатламлари орасида ҳаёт сифатини оширишда илмий асосланган ташхислаш, профилактика ва патогенетик даволаш чора-тадбирларига услубий ёндошувни эътиборга олган ҳолда такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Яқин (Яглова Н. В., Яглов В. В., 2012) ва узоқ (Pine M. D. et al., 2008; Mnif W. et al., 2011; Gore A. C.et al., 2015) хориждаги олимларнинг тадқиқотлари эндокрин-бузувчи замонавий пестицидларнинг турли касалликлар, жумладан, семизлик, атеросклероз, хавфли ўсмалар, бепуштлик ва бошқа касалликлар патогенезида муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди. Шулардан пиретроид пестицидлар жаҳон пестицидлар бозорининг тахминан чорак улушини ташкил этади ва қишлоқ хўжалиги, ҳамда жамоат соғлиғини сақлаш соҳасида кенг қўлланилиб келмоқда (Elhalwagy M. E. et al., 2015). Қатор пиретроид пестицидларнинг (ламбда-цигалотрин, дельтаметрин) репродуктив тизимнинг гормонал бошқарилишини издан чиқарувчи антиандроген таъсирга эга эканлиги кўрсатиб берилган (Du G. et al., 2010; Orton F. et al., 2011). Ламбда-цигалотриннинг эндокрин-бузувчи таъсири сезиларли даражада унинг стероид гормонларнинг глюкокортикоид рецепторларига нисбатан антагонизми билан боғлиқ деб ҳисобланади (Zhang J.et al., 2016). Ламбда-цигалотриннинг гипофизар-тироид тизимга эндокрин-бузувчи таъсири кам ёритилган бўлиб, қонда тиреоид гормонлар миқдорининг камайиши билан ифодаланади (Saravanan R. et al., 2009; Tu W. et al., 2016). Энг кўп тарқалган пестицидлардан яна бири бензопиразоллар синфига мансуб фипронилдир. У кам миқдорда ҳам юқори инсектицид фаолликка эга бўлиб, жаҳон миқёсида кенг қўлланилади (Bonmatin J.M. et al., 2015). Фипронилнинг эндокрин-бузувчи таъсири кўпроқ қалқонсимон без фаолиятини бузилиши ва метаболитларини токсик таъсири билан боғлиқ (Leghait J. et al., 2009, 2010; Roques B., et al. 2012; Ensminger M. P. et al., 2013; Simon-Delso N. et al., 2015).

Замонавий пестицидларининг эндокрин-бузувчи таъсири Ўзбекистон Республикасида камроқ ўрганилган. Профессор Қ.Р.Тўхтаевнинг (2012, 2014) ишларида пестицидларнинг қалқонсимон без ва буйрак усти бези пўстлоқ моддасининг функционал ҳолатларига таъсири кўрсатиб берилган. Профессорлар П.И.Ташходжаев (1993), Т.И.Искандаров (1990, 2002), Г.Т.Искандарова (1998) ва т.ф.д. М.А.Ҳамроқулова (2016) тадқиқотлари эса пиретроид пестицидлар билан ўткир ва сурункали заҳарланганда кузатиладиган токсикологик ва биокимёвий ўзгаришларга бағишланган. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, замонавий пестицидларнинг эндокрин тизимга таъсир механизмларини ўрганиш бўйича тадқиқотларнинг аксарият қисми балоғатга етган ҳайвонлар ва катта ёшли одамларда ўтказилган. Шу билан бирга, айнан ҳомила ва илк постнатал даврлар бўлажак авлодда пестицидлар таъсирида узоқ муддатли оғир асоратлар ривожланиш эҳтимоли жуда юқори бўлган энг хавфли даврлардан ҳисобланади.

Кенг тарқалган замонавий пестицидларнинг эндокрин безларнинг ўсиши ва шаклланишига таъсирини ўрганиш ҳомила ва илк болалик даврда

пестицидларнинг таъсири сабабли юзага келадиган қатор касалликлар патогенези ҳақида янги маълумотлар олиш имконини беради. Афсуски, шубҳасиз илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган ушбу муаммо ҳанузгача ўз ечимини топгани йўқ.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Тошкент тиббиёт академиясиниг «Постнатал онтогенезда экотоксик омиллар таъсири остида иммун, эндокрин, ҳазм ва айирув тизимларининг адаптацион сезгирлигининг морфологик асосларини ўрганиш» (2013-2016 йй) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади она организмига пестицидлар сурункали таъсир эттирилган шароитда туғилган авлодда илк постнатал даврларда гипофизар-тироид ва гипофизар-адренал тизим шаклланишининг структур-функционал хусусиятларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

она организмига пестицидларнинг сурункали таъсир этиши шароитида туғилган авлодда қалқонсимон безни морфологик, морфометрик ва ултраструктуравий хусусиятларини аниқлаш;

она организмига пестицидларнинг сурункали таъсир этиши шароитида туғилган авлод қалқонсимон безида ҳужайралар пролиферативфаоллигини ва апоптоз даражасини иммуногистокимёвий усул ёрдамида баҳолаш;

она организмига пестицидларнинг сурункали таъсир эттирилишида онада ва авлод динамикасида гипофизнинг олдинги бўлаги (ТТГ) ва қалқонсимон без маркер гормонлари (T_4, T_3) концентрациясини аниқлаш;

она организмига пестицидларнинг сурункали таъсир этиши шароитида туғилган авлодда буйрак усти бези пўстлоғининг морфологик, морфометрик ва ултраструктуравий хусусиятларини аниқлаш;

она организмига пестицидларнинг сурункали таъсир этиши шароитида туғилган авлодда буйрак усти бези пўстлоғида ҳужайралар пролиферативфаоллиги ва апоптоз даражасини баҳолаш;

она организмига пестицидларнинг сурункали таъсир эттирилишида онада ва авлод динамикасида гипофизнинг олдинги бўлаги (АКТГ) ва буйрак усти бези пўстлоқ қаватида (кортизол) маркер гормонлар концентрациясини аниқлаш;

она организмига кичик дозадаги пестицидларнинг сурункали таъсир этиши натижасида авлодда кузатиладиган «эндокрин–бузувчи» эффект патогенези концепциясини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида тана вазни 150-180 грамм бўлган, оқ, жинсий етилган, туғмаган Вистар урғочи каламушлари ва улардан туғилган авлод хизмат қилди. Тажриба учун олинган урғочи каламушлар гуруҳига ҳар куни, то тажриба якунигача, ламбда-цигалотрин (титан) пестициди 8 мг/кг, ёки фипронил (вигор) пестициди 3,6 мг/кг ҳисобда юборилиб турилди. Барча гуруҳлардан туғилган авлоддан 3, 7, 14, 21 ва 30 кунларда тадқиқот учун материал олинди. Онада ва авлод динамикасида гипофизнинг олдинги

бўлаги, қалқонсимон без ва буйрак усти бези пўстлоғи, ҳамда қон зардоби ўрганилди.

Тадқиқотнинг предмети: кичик дозадаги пестицидларнинг она организми орқали таъсир этиш шароитларида туғилган авлодда гипофизар-тироид ва гипофизар-адренал тизимларнинг илк постнатал шаклланиш хусусиятларини мажмуавий таҳлили; ҳомиладорлик ва илк постнатал даврларда пестицидларнинг сурункали таъсир эттирилишида ривожланадиган токсик эффектнинг структур-функционал механизмлари.

Тадқиқотнинг усуллари. Қўйилган вазифаларни бажариш мақсадида ёруғлик микроскопияси, морфометрик, трансмиссион электрон микроскопия, иммуногистокимёвий, иммунофермент ва статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

она организмига пестицидлар таъсир этиши шароитида туғилган авлодда гипофизар-тиреоид-адренал тизимнинг эндокрин безларини постнатал структур-функционал шаклланиш динамикаси асосланган;

кам миқдордаги пестицидларнинг она қорнида ва илк постнатал даврда таъсир эттирилган шароитда туғилган авлодда «эндокрин-бузувчи» самаранинг ривожланиш концепцияси исботланган;

пестицидлар (пиретроид пестицид ламбда-цигалотрин ва бензопиразол пестицид фипронил)нинг она қорнида ва лактацион даврлардаги таъсири авлодда эндокрин тизим ривожланишига бир хил салбий таъсир этиши баҳоланиб, фипронил (вигор)нинг салбий таъсири, ламбда-цигалотрин (титан) таъсирига нисбатан анча яққолроқ ифодаланганлиги исботланган;

гипотиреоз ҳамда оксидловчи стресс авлод қалқонсимон ва буйрак усти безлари ҳужайраларида апоптознинг кучайишига олиб келиши, ўз навбатида ушбу аъзоларда ҳужайралар пролиферацияси ва нобуд бўлиши жараёнлари орасидаги мувозанат бузилганлигини ва уларда постнатал шаклланиш суръатлари пасайишининг асосий сабаб эканлиги асосланган;

пестицидлар таъсирида қалқонсимон ва буйрак усти безларининг постнатал шаклланишидаги аниқланган структур-функционал механизмлар атроф-муҳитнинг пестицидлар билан ифлосланиш хавфи юқори бўлган шароитларда ҳомиладорлар ва чақалоқларда яширин заҳарли таъсирларнинг олдини олиш, ташхислаш ва даволашнинг патогенетик тартиби такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси. Тадқиқот жараёнида олинган кичик дозали пестицидларнинг ҳомиладорлик ва постнатал даврларда таъсир этиши оқибатидаги «эндокрин-бузувчи» таъсиридан далолат берувчи натижалар бўйича чақалоқлар ва болаларда эндокрин бузилишларнинг олдини олиш, эрта ташхислаш ва прогнозлаш усуллари ишлаб чиқилган;

интоксикациянинг клиник симптомлари мавжуд бўлмаганда кичик дозадаги пестицидлар таъсир этишининг яширин токсик самарасини аниқлаш бўйича мониторинг тадқиқотлар ўтказиш зарурияти асосланган;

она организми орқали пестицидларнинг сурункали таъсир этиши шароитида туғилган авлодда гипофизар-тироид-адренал тизимининг постнатал

ўсиши ва шаклланиши бузилишида структур-функционал механизмларнинг аниқланиши эҳтимолий асоратларни олдини олиш ва даволашнинг у ёки бу патогенетик усулларини ишлаб чиқиш учун асос бўлган;

ҳомиладорлар ва чақалоқларда гипотиреоз ва оксидловчи стрессни эрта аниқлаш, ҳамда экзоген тиреоид гормонлар ва антиоксидант терапия ёрдамида фармакологик коррекциялаш усули асослаб берилган;

одам ва ҳайвон организмига ташқи муҳитни ифлослантирувчи моддалар таъсирининг салбий асоратларини башоратлаш борасидаги янги далиллар фундаментал-амалий аҳамиятга эгалиги исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган замонавий, бир бирини тўлдирувчи морфологик, морфометрик электрон-микроскопик, иммуногистокимёвий, иммунофермент усулларининг услубий жиҳатдан тўғрилиги, тажриба ҳайвонлари сонининг етарлилиги, шунингдек, аналитик ва статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти замонавий пестицидларнинг токсик таъсирини аниқлашга бўлган янги ёндошув, хусусан, кам дозадаги пестицидларнинг ҳомиладорлик ва илк постнатал даврларда авлоднинг эндокрин тизимини шаклланишига таъсир этишининг структур-функционал механизмларини очиб бериш билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, пестицидларнинг сурункали таъсири шароитларида авлоднинг постнатал ўсиши ва гипофизар-тироид-адренал тизими шаклланиши жараёнида аниқланган бузилишларнинг структур-функционал механизмлари токсик таъсирнинг эҳтимолий салбий оқибатларини олдини олиш ва даволашнинг у ёки бу патогенетик усулларини тайинлашга асос бўлган. Пестицидларнинг «эндокрин-бузувчи» таъсири механизмида она ва авлод организмида ривожланадиган гипотиреоз ва оксидатив стресс етакчи ўрин тутади. Бу эса, ўз навбатида, қуйидагилар: атроф-муҳитнинг замонавий пестицидлар билан зарарланиш хавфи юқори бўлган шароитларда ҳомиладор аёлларда ва ёш болаларда қалқонсимон без фаолиятини, ҳамда липидларнинг перекисли оксидланиши жараёнини мунтазам равишда мониторинг қилиш; ҳомиладор аёлларда ва гўдакларда яширин токсик самараларни, авваламбор, гипотиреоз ва оксидатив стрессни эрта аниқлашга ва уларни фармакологик усулда (экзоген тиреоид гормонлар ва антиоксидантлар ёрдамида) бартараф қилишга йўналтирилган патогенетик профилактика ва даволаш усулларини ишлаб чиқиш билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши:

Она организмига пестицидлар сурункали таъсири шароитида туғилган авлодда гипофизар-тироид-адренал тизимнинг постнатал шаклланиши бўйича олинган натижалар асосида:

«Қалқонсимон без фаолиятига пестицидларнинг кам миқдорини токсик таъсирини самарадорлигини баҳолаш» услубий қўлланмаси тасдиқланган

(Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2015 йил 23 апрелдаги 8Н-р/34-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма қалқонсимон без фаолиятига пестицидларнинг таъсирини аниқлаш ва уларнинг салбий таъсирининг олдини олиш ва профилактик чора-тадбирларини ишлаб чиқиш имконини берган;

«Оксидатив стресс ҳолатига пестицидларнинг кам миқдордаги токсик таъсирини баҳолаш» услубий қўлланмаси ишлаб чиқилган ва соғлиқни сақлаш амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2015 йил 23 апрелдаги 8Н-р/34-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма оксидатив стресс ҳолатининг келиб чиқишида пестицидлар таъсирини аниқлаш ва ташхислаш ҳужайралардаги ўзгаришларни олдини олиш ва даволаш механизмларини ишлаб чиқиш имконини берган;

она организмига пестицидлар сурункали таъсири шароитида туғилган авлодда гипофизар-тироид-адренал тизимнинг постнатал такомилини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан Тошкент тиббиёт академияси институтлараро марказий илмий тадқиқот лабораторияси ва клиник амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 28 сентябрдаги 8Н-3/21-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши ҳаётнинг илк даврида пестицидларнинг токсик таъсирини эрта ташхислаш ва прогнозлаш усулларини ишлаб чиқишга имкон яратган. Бу ўз навбатида, пестицидлар билан заҳарланишнинг илк таъсирларини олдини олиш ва даволаш самардорлигини ошириш, ногиронликка олиб келишини 25–35% қисқариши ва даволанишга кетадиган харажатларни камайтиради ҳамда ҳомиладорлик ёки илк болалик даврида пестицидлар таъсири шароитида бўлган болаларда туғилгандан кейинги узоқ даврда юзага келадиган касалликларни олдини олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 6 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 43 та илмий иш, шундан 13 та мақола Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда, жумладан, 9 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 180 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари баён этилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Атроф-муҳитнинг эндокрин-бузувчи моддалари ва уларнинг одам ва ҳайвон организмига таъсири**» деб номланган биринчи бобида атроф-муҳитни ифлослантирувчиларнинг ҳайвон организмига, шу жумладан одам организмига эндокрин-бузувчи таъсир этишига доир жаҳон адабиётида келтирилган маълумотларнинг таҳлили бўйича натижалар берилган. Таҳлил якунида замонавий пестицидларнинг «эндокрин-бузувчи» таъсири механизмлари ва асоратларини ўрганишга доир тадқиқотларнинг аксарияти жинсий етилган ҳайвонлар ёки катта ёшдаги одамларда ўтказилганлиги ҳақида қисқа хулоса келтирилган. Реал ҳаётда кўпинча организм, шу жумладан ҳомиладор аёллар ва ёш болалар организми айнан кичик дозалардаги пестицидлар ва уларнинг метаболитлари таъсирига дуч келади. Шу билан бирга, ҳомиладорлик ва илк постнатал даврлар пестицидлар таъсирининг оғир асоратлари ривожланиши учун ҳаётнинг энг хавфли босқичлари ҳисобланади. Ҳозиргача замонавий пестицидларнинг она организми орқали ҳомила ва чақалоққа кўрсатадиган эндокрин-бузувчи таъсири етарлича тўлиқ аниқланмаганлиги ва ушбу муаммонинг ечимини топиш борасидаги илмий-тадқиқотларни давом эттириш зарурлиги асослаб берилган.

Диссертациянинг «**Қўлланилган пестицидларнинг токсик-кимёвий тавсифи»** деб номланган иккинчи бобида ишда қўлланилган пестицидларнинг токсикологик хоссаларини ўрганиш натижалари келтирилган. Ишда республикамизда ва бутун дунёда кенг қўлланиладиган юқори самарали пестицидларнинг икки вакилидан фойдаланилди. Булар «титан» (таъсир этувчи моддаси пиретроидлар синфига мансуб ламбда-цигалотрин) ва «вигор» (бензопиразол ҳосиласи фипронил) инсектицидларидир. Титан ёки ламбда-цигалотрин (ЛСТ) 10%, вигор ёки фипронил (ФПН) – 4% эмульсия концентрати кўринишида «Euro-Team» Ўзбек-Германия қўшма компаниясидан олинди. Ўтказилган токсикологик тадқиқотлар асосида олинган препаратларнинг турли ҳайвонлар (сичқонлар, оқ каламушлар ва қуёнлар) учун $ЛД_{50}$ дозалари ишлаб чиқилди, пестицидларнинг заҳарлилик синфларга мансублиги аниқланди ва кейинги тажрибалар учун ишлатиладиган дозалар асослаб берилди. Препаратлар танлови, уларнинг дозалари ва юбориш усуллари катта илмий ходим И.Б.Бойко тавсиялари бўйича бажарилди, шу боисдан уларга чуқур миннатдорчилик билдирамиз.

Диссертациянинг **«Пестицидлар эндокрин бузувчи таъсирини ўрганиш методологияси»** деб номланган учинчи бобида экспериментал материал ва ўтказилган тажрибалар ҳақидаги маълумотлар, шунингдек асосий микроскопик, морфометрик, электрон микроскопик, иммуногистокимёвий, иммунофермент ва статистик тадқиқот усуллари ҳақида маълумотлар баён этилган. Тажрибалар тана вазни 150-180 г бўлган, оқ, жинсий етилган, туғмаган, Вистар урғочи каламушларида ўтказилди, жинсий етилган эркак каламушлардан фақат уруғлантиришда фойдаланилди. Барча каламушлар бошқариладиган ҳарорат (22±3 °С) ва намлик шароитларида 12 соатлик кун ва тун циклида сақланди. Каламушлар тажрибадан олдин бир ҳафта мобайнида иқлимга мослаштирилди. Сўнг урғочи каламушлар ҳар бирида 45 та каламушдан иборат учта гуруҳга ажратилди. Биринчи гуруҳдаги каламушларга (I тажриба гуруҳи) зонддан фойдаланиб, физиологик эритмада аралаштирилган ламбда-цигалотрин (ЛСТ) 8мг/кг/ҳар куни оғиз орқали юборилди. Бу препарат $ЛД_{50}$ининг 1/100 қисмига мос келади. Каламушларнинг иккинчи гуруҳига (II тажриба гуруҳи) худди шу усулда 3,6 мг/кг/ҳар куни ҳисобидан фипронил (ФПН) юборилди, бу препарат $ЛД_{50}$ининг 1/100 қисмига мос келади. Каламушларнинг учинчи гуруҳи (назорат гуруҳи) стерил физиологик эритманинг тенг ҳажмини олди. Препаратларни юбориш тажрибалар якунига қадар тўхтатилмади. Тажрибаларнинг 31 кунида барча гуруҳдаги урғочи каламушлар уруғлантириш учун соғлом эркак каламушларга қўшилди. Ҳомиладор-ликнинг бошланиши қин суртмаларида сперматозоидлар мавжуд-лигига қараб назорат қилинди. Ҳомиладорлик бошланганидан кейин урғочи каламушлар эркак каламушлардан ажратилди ва кейинги тадқиқотлар учун алоҳида қафасларга жойлаштирилди. Таъкидлаш жоизки, ЛСТ ва ФПНларнинг кам миқдорда узоқ муддат юборилиши тажриба учун олинган урғочи каламушларда заҳарланишнинг яққол аломатлари пайдо бўлишига олиб келмади. Назорат ва тажриба гуруҳларидаги ҳайвонларнинг тана вазни тажриба давомида сезиларли ўзгармади. Фақат айрим ҳайвонлардагина енгил тормозланиш ва ҳаракатланиш фаоллигининг озгина сусайиши қайд этилди. Гормонлар концентрацияси ва оксидланиш стресси даражасини баҳолаш учун урғочи каламушларнинг маълум қисми енгил эфир наркози остида ҳомиладорликнинг 14 ва 21 кунларида (гестация кунлари, ГК 14 ва ГК 21) ва туғруқдан кейин эмизикли даврнинг 7, 14 ва 21 кунларида (лактация кунлари, ЛК 7, ЛК 14 ва ЛК 21) жонсизлантирилди. ЛСТ ва ФПН таъсир эттирилган каламушлардан туғилган авлод тана массаси ва ўлчамлари билан сезиларли фарқланмади. Назорат гуруҳига нисбатан кўзларнинг ва қулоқларнинг бир мунча кеч очилиши қайд этилди. Барча гуруҳдан олинган авлод туғилганидан кейинги 3, 7, 14, 21 ва 30 кунларда енгил эфирли анестезия остида жонсизлантирилди. Фойдаланилган урғочи каламушларнинг умумий сони 180 тани ташкил этди, шундан 5 та каламуш пестицидларнинг сурункали таъсири билан боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра экспериментдан олиб ташланди. Тажриба ва назорат гуруҳларидаги ҳайвонлардан олинган авлоднинг умумий сони 148 тани ташкил этди. Барча тажриба ҳайвонларини

сақлаш ва жонсизлантириш Ўзбекистон Республикаси этика қўмитаси рухсатномасига мувофиқ ва талаблари бўйича қатъий тарзда бажарилди.

Ҳайвонларни жонсизлантириш тегишли муддатларда, эрталабки соатларда, оч қоринга, енгил эфирли наркоз остида бажарилди. Қалқонсимон без, буйрак усти бези ва гипофиз массаси ўлчангандан сўнг 10% ли нейтрал формалин ёки Карнуа ва Буэн суюқликларида фиксацияланди, тегишли амаллардан сўнг парафинга солинди. Депарафинланган кесмалар гематоксилин ва эозин бўёғи билан бўялди. Ярим юпқа кесмалар тайёрлаш учун органлардан олинган бўлакчалар 1,25 % ли глютар альдегид эритмасида фиксацияланди ва аралдит-эпон аралашмасига қуйилди. Ярим юпқа кесмалар (1мкм) метилен кўки ва асосий фуксин бўёқлари билан бўялди.

Электрон-микроскопик текширувлар учун органлардан олинган кесмалар изчил равишда 1,25% ли глютар альдегиди ва 1% ли осмий кислотасининг фосфат буфердаги (pH-7,3) эритмасида фиксацияланди. Сувсизлантирилгандан кейин материал аралдит-эпон аралашмасига солинди. Ултраюпқа кесмалар «Ultratome – V» (LKB, Sweden)да тайёрланди ва изчил равишда уранил-ацетат, қўрғошин цитрати билан контрастланди, сўнгра «JEM-100SX» (JEOL, Japan) электрон микроскопида кўрилди.

Морфометрик текширувлар парафинли ва ярим юпқа кесмаларда Автандилов (Автандилов Г.Г., 1990) тўри ёрдамида ўтказилди. Айрим ҳолатларда «Carl Zeiss Jena» (Germany) фирмасининг «Морфология-4» компьютер дастуридан фойдаланилди. Қалқонсимон безда фолликулларнинг ташқи ва ички диаметри, коллоид, эпителий майдони, тироцитлар баландлиги, 1 фолликулдаги тироцитлар сони, фолликуллараро эпителий ва бириктирувчи тўқимали строма майдонлари аниқланди. Буйрак усти безида бириктирувчи тўқима, пўстлоқ ва мия моддаси майдонлари, шунингдек буйрак усти бези пўстлоқ қаватининг коптокчали, тутамли ва тўрли соҳалари майдонлари аниқланди.

Эндокрин безларда ҳужайралар пролиферация даражаси ва апоптоз миқдорини баҳолаш учун иммуногистокимёвий усулдан фойдаланилди. Пролиферацияланувчи ҳужайраларнинг маркер субстратлари Ki-67 га нисбатан моноклонал қуён антитаналари, апоптоз ҳужайралари эса cas-3 ва p-53га нисбатан моноклонал қуён антитаналари (Thermo Scientific, USA) ёрдамида аниқланди. Пролиферацияланувчи ва апоптоз ҳужайраларни аниқлаш қалқонсимон без ва буйрак усти безидан олинган парафинли кесмаларда UltraVision (Thermo Scientific, USA) комплекси ёрдамида бажарилди. Кесмалар метилен кўки ёки нейтрал қизил билан бўялди. Кейин пролиферация ва апоптоз индекслари 1000та қалқонсимон без ҳужайралари (тироцитлар)да, ҳамда 1000та буйрак усти бези пўстлоқ қавати ҳужайралари (кортикостероцитлар)да санаб чиқилди ва промилларда ифодаланди.

Гипофиз, қалқонсимон без ва буйрак усти бези пўстлоғидаги маркер гормонларни аниқлаш ҳайвонлар қон зардобида бажарилди. Ҳайвонлар жонсизлантирилгандан кейин қон қуруқ стерил пробиркаларга солинди ва олинган қон зардобидан гормонлар концентрациясини аниқлашда фойдаланилди. Қон зардобида тироксин (T_4), трийодтиронин (T_3), кортизол (Кор),

тиротроп (ТТГ) ва адренокортикотроп гормон (АКТГ) иммуноферментаҳлил усули ёрдамида «Human» (Germany) компаниясининг махсус тўплами ва «Singl» (Germany) спектрофотометридан фойдаланиб аниқланди. Тироксин (T_4), трийодтиронин (T_3) ва кортизол нг/мл да, тиреотроп (ТТГ) ва адренокортикотроп гормон (АКТГ) эса МЕ/л да ифодаланди.

Барча рақамли маълумотларга вариацион статистика усулида ишлов берилди. Ҳисоб-китоб ва статистик таҳлил Window`s дастурий статистик пакетидан фойдаланган ҳолда ўтказилди. Барча маълумотлар ўртача ± стандарт оғиш (SD) сифатида келтирилди. Назорат ва тажриба гуруҳлари ўртасидаги статистик фарқ Стьюдент тестидан фойдаланган ҳолда таққосланди ва фарқлар $P<0,05$ да ишончли деб топилди.

Диссертациянинг «**Авлод гипофизар-тироид тизими ўсиши ва ривожланишига пестицидлар сурункали таъсири самараси**» деб номланган тўртинчи бобида пестицидларнинг ҳомиладорлик ва илк постнатал даврларидаги таъсири шароитида туғилган авлод гипофизар-тироид тизимини морфологик, ультраструктуравий, морфометрик, иммунгистокимёвий ва функционал текширувлари натижалари баён этилган. Натижалар авлоднинг гипофизар-тироид тизими туғилиш давригача етарлича шаклланганлигини кўрсатди. Туғилгандан кейинги 3-кунда назорат гуруҳи каламушларида ҳам, тажриба гуруҳлари каламушларида ҳам гипофизнинг олди, ўрта ва орқа бўлаклари аниқ чегараланди. Олдинги бўлакда хромофоб ҳужайралар устунлик қилди, улар орасида оксифил ва базофил ҳужайралар кузатилди. Постнатал давр динамикасида гипофиз ўлчамларининг катталашуви содир бўлди. Базофил ва оксифил ҳужайралар сони мунтазам равишда ортиб борди, ҳужайраларнинг тиротропоцитлар, гонадотропоцитлар, соматотропоцитлар, кортикотропоцитлар ва лактотропоцитларга дифференциалланиши кузатилди. Шундай бўлсада, ёруғлик ва электрон микроскопия даражасида назорат ва тажриба гуруҳларидаги авлод гипофизи постнатал давр динамикасида сезиларли ўзгаришлар аниқланмади. Кўпроқ маълумот берувчи натижалар гипофизар-тироид-адренал тизимни бошқаришда иштирок этувчи гипофизнинг олди бўлагида ишланувчи тиротроп (ТТГ) ва адренокортикотроп (АКТГ) гормонларини ўрганишда олинди.

Чақалоқларда қалқонсимон без етарлича шаклланган ва юпқа бўйинча билан бириккан иккита бўлакдан иборат. Туғилгандан кейинги 1-3 кунда без юпқа бириктирувчи тўқимали капсула билан ўралган бўлади. Баъзида кесмаларда иккала без учун умумий бўлган, ягона капсула билан ўралган бир жуфт қалқонсимон олди безини кўриш мумкин. Қалқонсимон без паренхимаси турли ўлчамдаги шаклланган фолликуллардан иборат. Без периферияси бўйлаб фолликуллар анча йирик, турли миқдордаги коллоид модда тутади. Без марказида асосан майда, энди шаклланаётган фолликуллар ва фолликуллараро эпителиал оролчалар аниқланди. Қалқонсимон безга хос бўлган бундай морфологик манзара назорат гуруҳидаги каламушлар учун ҳам, тажриба гуруҳидаги каламушлар учун ҳам хос бўлди. Қалқонсимон без ўсиши ва шаклланишининг кейинги динамикаси тажрибадаги ҳайвонларнинг барча

гуруҳлари учун бир хил характерга эга бўлди. Бу без ўлчамининг умуман катталашуви, ўртача ва йирик фолликуллар сонининг ортиши, фолликуллараро эпителиал оролчаларнинг сони ва ўлчамининг камайишида намоён бўлди. Туғилгандан кейинги 21 ва 30 кунда қалқонсимон без тўлиқ шаклланганлиги аниқланди. Без паренхимаси асосан майда, ўртача ва йирик ўлчамдаги фолликуллардан иборат фолликуляр комплекслардан тузилган. Бунда йирик ва ўртача фолликуллар қалқонсимон безнинг асосан периферияси бўйлаб, орган марказида эса асосан майда фолликуллар ва фолликуллараро оролчалар кузатилди.

Шундай қилиб, туғилгандан кейин қалқонсимон безнинг ўсиши ва шаклланишининг динамикаси назорат ва тажриба гуруҳларидаги авлод учун бир хил характерга эга бўлди. Аммо морфометрик тадқиқотлар пестицидлар таъсири шароитида туғилган авлодда қалқонсимон безнинг ўсиш ва шаклланиш динамикасида у ёки бу бузилишлар мавжудлигидан далолат берувчи маълумотлар олиш имконини берди. ЛСТ таъсирида фолликуллар эпителийси умумий майдонининг ўсиш суръати 10-17% га, ФПН таъсирида эса–15-30% га назорат гуруҳи кўрсаткичларидан ортда қолганлиги аниқланди (P_1, P_2<0,05). Коллоид эгаллаган майдон мос равишда 15-25% ва 20-40% га камайганлиги, ва аксинча, фолликуллараро эпителиал оролчаларнинг умумий майдони кўрсаткичлари ЛСТ таъсирида 15-45% га, ФПН таъсирида эса –20-60% га назорат гуруҳидан юқорилиги аниқланди (P_1, P_2<0,05). Маълумки, фолликуллараро эпителиал оролчалар органнинг камбиал соҳаси саналади, фолликулларнинг янгиланиши ушбу соҳа ҳисобига содир бўлади. Тажрибадаги каламушларда ушбу соҳа майдонининг катталашуви, шубҳасиз, янги фолликуллар шаклланиши суръатининг сусайиши натижаси ҳисобланади. Қалқонсимон безнинг структур-функционал бирлиги–фолликулларнинг ўсиш ва шаклланиш суръатларининг сусайиши ламбда-цигалотрин таъсирига нисбатан фипронил таъсирида яққол ифодаланган. Аммо, пестицидларнинг салбий таъсири янги фолликуллар ҳосил бўлишининг сусайиши билангина чегараланмайди. Пестицидлар таъсири фолликул ва тироцит эпителийси майдонларининг кичиклашуви ҳисобига фолликуллар умумий майдонининг камайишига олиб келиши аниқланди. Тироцит баландлиги ва ўртача майдонининг ўсиш суръатлари ЛСТ таъсирида 10-20% га, ФПН таъсирида эса – 15-30% га назорат гуруҳи кўрсаткичларидан орқада қолиши топилди (P_1, P_2<0,05).

Шундай қилиб, морфометрик тадқиқотлар она организми орқали пестицидларнинг таъсир этиши постнатал онтогенезда авлодда қалқонсимон безнинг ўсиш ва шаклланиш суръатларини сезиларли даражада сусайтиришини яққол кўрсатиб берди. Айниқса, тадқиқотнинг барча муддатларида тироцитларнинг паст солиштирма кўрсаткичларини қайд этиш лозим, чунки бу кўрсаткичлар ҳужайраларнинг секретор фаоллиги сусайишидан далолат беради. Морфометрик маълумотлар электрон-микроскопик текширувлар натижаларида ўзининг тўлиқ тасдиғини топди.

Назорат гуруҳи каламушларида қалқонсимон без фолликулларини электрон-микроскопик тузилиши текширувнинг барча муддатларида бир хил

характерга эга бўлди. Назорат гуруҳидаги ҳайвонларда тироцитлар секретор циклнинг турли босқичларида бўлди ва уларга синтетик ва лизосомал аппаратлардаги юқори фаолликнинг ултраструктуравий белгилари хос бўлди. Алоҳида тироцитлар цитоплазмасида кўп миқдордаги цистерналаридан иборат донадор эндоплазматик тўр (ДЭТ)нинг мавжудлиги аниқланди. Айрим ҳужайраларда ДЭТ профиллари кенгайганлиги кузатилди. Ҳужайралар ядролари марказда ёки тироцитнинг базал қисмига томон бир оз силжиган ҳолда жойлашди. Ҳужайраларнинг апикал юзаси кам сонли қисқа микроворсинкалар кузатилди. Апикал плазмалемма остида 0,2–0,4 мкм ўлчамли лизосомалар жойлашган бўлиб, уларнинг сони тироцитнинг секретор циклига боғлиқ равишда ўзгариб турди. Тажриба ўтказилган ҳайвонлар авлоди қалқонсимон безини электрон-микроскопик текширувлари тироцитлар секретор циклининг у ёки бу фазасидаги бузилишлардан далолат берувчи муайян субмикроскопик ўзгаришлар мавжудлигини кўрсатди. Фолликуллар деворида ДЭТ профилларининг ҳаддан зиёд кенгайиши ва ички суюқлик зичлигининг камайиши кўринишидаги яққол бузилиш белгиларига эга ҳужайралар топилди. Алоҳида тироцитлар цитоплазмаси оқиш гигант вакуол кўринишига эга бўлиши, уларнинг ядро ва кам сонли органеллалари ҳужайра периферияси сиқилган ҳолда жойлашиши кузатилди. Кўпинча митохондриялари яққол шишган тироцитлар учраб, митохондрия матрик-сининг ва кристаларнинг емирилиши (лизиси) кузатилди. Баъзида айрим тироцитларда турли ўлчамлардаги кам сонли липид томчиларининг пайдо бўлиши қайд этилди, бу томчилар назорат гуруҳидаги ҳайвонларда деярли кузатилмади. Ва ниҳоят, назорат гуруҳидагига нисбатан тажриба гуруҳидаги ҳайвонларда апоптоз ва цитоплазматик органеллалар деструкцияси белгилари яққол ифодаланган тироцитлар кўпроқ аниқланди.

Одатда, физиологик шароитларда тироцитларга тиреоглобулин синтезига масъул яхши ривожланган органеллалар мавжудлиги хос ҳисобланади. Энг аввало, бу назорат гуруҳидаги ҳайвонлар тироцитларида етарлича кучли ривожланган ДЭТ структураларига тегишлидир. Аммо, ДЭТ цистерналарининг ҳаддан зиёд кенгайиши ва дезорганизацияланиши, улар ички таркиби зичлигининг камайиши фақатгина тажриба гуруҳидаги каламушлар авлодида аниқланган. Токсик таъсирда тироцитлардаги бундай ултраструктуравий ўзгаришлар бир қатор тадқиқотчилар томонидан баён этилган ва бу тиреоглобулин синтезининг ва унинг фолликуллар бўшлиғига ташилишининг бузилиши белгиси сифатида изоҳланган (Юкина Г.Ю. ва бошқалар, 2004). Шубҳасиз, биз аниқлаган субмикроскопик ўзгаришларни ҳам тироцитларда синтетик ва секретор фаолиятларнинг бузилиш кўрсаткичлари деб ҳисоблаш мумкин.

Олинган морфометрик натижалар пестицидларнинг она организми орқали таъсири авлодда қалқонсимон безнинг асосий структур-функционал бирлиги–секретор фолликулларнинг постнатал ўсиши ва шаклланиши суръатларини сусайишини келтириб чиқаришини кўрсатди. Келтирилган натижалар асосида хулоса қилиш мумкинки, пестицидлар таъсири шароитида туғилган авлоднинг қалқонсимон без тироцитларида дифференцияланиш

жараёнининг чуқур бузилиши содир бўлади. Тиреоглобулин синтези, ташилиши ва парчаланишига масъул органеллаларда деструктив субмикроскопик ўзгаришлар бундан далолат беради. Буларнинг барчаси пировард натижада ўсиб келаётган авлодда қалқонсимон без дисфункцияси ва алмашинув жараёнларининг бузилишига олиб келади.

Ҳужайранинг дастурий ўлими (ҲДЎ) ёки апоптоз организм учун ҳужайралар пролиферациясини назорат қилиш ва тўқималар гомеостазини сақлаб туришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга механизм ҳисобланади (Goldar S. et al., 2015; Lin H.Y. et al., 2015). Физиологик шароитларда апоптоз ва ҳужайралар пролиферацияси жараёнлари ўртасида муайян мувозанат мавжуд бўлиб, бу мувозанат тўқима гомеостазини бир мейёрда тутиб туриш имконини беради. Ўсиб келаётган организмда пролиферация даражаси одатда юқори, апоптоз даражаси эса паст бўлади. Бу орган ва тўқималарнинг постнатал онтогенезда физиологик ўсиши ва шаклланишини таъминлайди. Тадқиқотларимизда она организми орқали пестицидларнинг ҳомиладорлик ва илк постнатал даврларда таъсир этиши авлодда постнатал онтогенез динамикасида қалқонсимон безнинг ўсиши ва шаклланишининг бузилишига олиб келиши кўрсатиб берилди. Савол пайдо бўлади – бу бузилишлар механизми асосида нима ётади ва бунда ҳужайралар пролиферацияси ва апоптоз жараёнларининг ҳолати қандай бўлади? Буни аниқлаш мақсадида пролиферация ва апоптоз маркерларига юқори сезгирликка эга бўлган моноклонал антитаналарни қўллаган ҳолда иммунгистокимёвий усулдан фойдаланилди. Натижаларни миқдорий ҳисоблаш пестицидлар таъсирида пролиферация индекси назорат гуруҳига нисбатан тажриба гуруҳларида анчагина пасайганини кўрсатди (1-жадвал).

1-жадвал

Постнатал ривожланиш динамикасида қалқонсимон без ҳужайралари пролиферацияси индекси (промилларда)

Туғилгандан кейинги кунлар	Назорат	Цигалотрин	Фипронил
7 кун	17,5±1,2	11,4±1,1**	10,2±0,9***
14 кун	15,2±,3	10,7±0,8***	9,3±0,9***
21 кун	13,3±1,1	9,6±0,9*	7,3±0,5***
30 кун	9,5±0,8	8,3±0,7	7,8±0,6

Изоҳ: * - фарқлар назорат гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан ишончли
(* - P<0,05, ** - P<0,01, *** - P<0,001)

Қалқонсимон без ҳужайралари пролиферативфаоллигининг камайиши иккала тажриба гуруҳида ҳам постнатал даврнинг 7-21 кунларида яққол ифодаланди. Кузатувнинг бу муддатларида пролиферация индекси фипронил таъсирида назорат гуруҳидагига нисбатан 40-45%га пасаяди, ламбда-цигалотрин таъсирида эса 28-30% га камаяди (P_1, P_2<0,05).

Туғилгандан кейинги 30-кунда ҳужайралар пролиферативфаоллигининг умумий пасайиши фонида пролиферация индексининг камайиши назорат гуруҳига нисбатан ламбда-цигалотрин таъсирида 13% ни, фипронил таъсирида – 18% ни ташкил этади (P_1, P_2<0,05).

Буларнинг барчаси пестицидларнинг ҳомиладорлик ва илк постнатал даврларда таъсир этиши шароитида қалқонсимон без ҳужайралари пролиферациясининг сезиларли пасайишини кўрсатади. Пролиферациянинг энг яққол ифодаланган ва асосли пасайиши ламбда-цигалотрин таъсирига қараганда, фипронил таъсирида кўпроқ қайд этилган. Апоптоз жараёнини ўрганишда эса бир оз бошқачароқ натижалар олинди (2-жадвал). Жадвалда кўринганидек, кузатувнинг барча муддатларида апоптоз индекси тажриба гуруҳлари ҳайвонларида назорат гуруҳидагига нисбатан сезиларли даражада юқори бўлди. Апоптоз индексининг энг кўп ортиши туғилгандан кейинги 14-21 кунларда кузатилди, бунда тажриба гуруҳидаги ҳайвонларда апоптоз индекси назорат гуруҳидагига нисбатан 3,2-4,3 марта юқори бўлди. Шу билан бирга, ҳужайралар апоптозининг кучайиши цигалотрин таъсирига қараганда, фипронил таъсирида юқори даражада намоён бўлди.

2-жадвал

Постнатал ривожланиш динамикасида қалқонсимон без ҳужайраларида апоптоз индекси (промилларда)

Туғилгандан кейинги кунлар	Назорат	Цигалотрин	Фипронил
7 кун	0,06±0,002	0,7±0,03***	0,9±0,05***
14 кун	0,09±0,003	1,2±0,15***	1,8±0,20***
21 кун	0,48±0,07	1,6±0,25***	2,3±0,75*
30 кун	0,75±0,09	2,9±0,83*	3,8±0,87**

Изоҳ: * - фарқлар назорат гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан ишончли (* - P<0,05, ** - P<0,01, *** - P<0,001)

Шундай қилиб, ҳомиладорлик ва илк постнатал даврларда замонавий пестицидларнинг ҳаттоки кичик дозалардаги таъсири ҳам гипофизар-тироид тизимга салбий таъсир кўрсатади. Бу таъсир самараси қалқонсимон безнинг ўсиши ва шаклланиши суръатларининг сусайиши, қалқонсимон без секретор фолликулларининг шаклланиши ва фаолиятининг пасайишида намоён бўлади. Орган ўсиш суръатларининг сусайиши асосини пролиферация ва апоптоз жараёнлари ўртасидаги мувозанатнинг бузилиши ташкил этади, бу дисбаланс ламбда-цигалотринга қараганда, фипронил таъсирида яққолроқ ифодаланади. Биз юқорида қайд этилган ўзгаришларни пестицидлар таъсири шароитида қалқонсимон без постнатал онтогенезида юзага келувчи дисфункциянинг морфологик субстратини ташкил этади, деб ҳисоблаймиз.

Табиийки, «бу ўзгаришлар қалқонсимон без функциясида қандай акс этади?»- деган савол бизни қизиқтирди. Авлодда қалқонсимон безнинг ўсиши ва шаклланиши суръатларининг сусайиши билан онадаги ушбу орган ҳолати ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжудми? Ушбу саволларга жавоб топиш учун пестицидлар таъсири шароитида она каламушларда ва улардан туғилган авлодда динамикада гипофизнинг олд бўлаги ва қалқонсимон бездаги маркер гормонлар концентрацияси ўрганилди. Урғочи каламушлар ва улардан олинган авлодда қалқонсимон без функцияси ҳолатини ўрганиш натижалари

қуйидагиларни кўрсатди.

1-расм. Ҳомиладорлик ва эмизикли даврлар динамикасида урғочи каламушларда тироксин (T_4) миқдори,нг/мл да.(ГК– гестация кунлари, ЛК -лактация кунлари)

Уруғланишга қадар 30 кун мобайнида ЛСТ ва ФПН юборилган, туғмаган урғочи каламушларда T_4 ва T_3 концентрацияси бир оз камайди. Ҳомиладорлик ривожланиши баробарида тажриба гуруҳидаги урғочи каламушларда яққол ифодаланган гипотиреоз ривожланди (1-расм).

Ҳомиладорликнинг 14 ва 21кунида T_4 ва T_3 концентрацияси назорат гуруҳига нисбатан ишончли равишда анча паст бўлди. Яққол ифодаланган гипотиреоз тажриба гуруҳи каламушларида ҳомиладорликнинг 21 кунида, шунингдек эмизикли даврнинг 14 кунида қайд этилди, бунда T_4 ва T_3 концентрацияси назорат гуруҳига нисбатан 1,3 – 1,5 марта камайди. Шу билан бирга тажриба ўтказилаётган каламушларнинг иккала гуруҳида ҳам ТТГ концентрацияси ҳомиладорлик ва эмизиш жараёнларида жадал ошганлиги аниқланди.

2-расм. Постнатал ривожланиш динамикасида каламушлар авлодида тироксин (T_4) миқдори, нг/мл да. Изоҳ: ПНД – постнатал кунлар

